

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 02/30.12. 2019.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

ЖУМАБОЕВА ЗЕБО ЗИЁДУЛЛАЕВНА

**Li_{4,36}ZSM-5 ВА Na_{4,36}ZSM-5 ЦЕОЛИТЛАРИДА АММИАК, УГЛЕРОД
(IV) ОКСИДИ ВА Н-ГЕПТАН АДСОРБЦИЯ ИССИҚЛИГИ ВА
ИЗОТЕРМАСИ**

02.00.11. – Коллоид ва мембрана кимёси

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the abstract of dissertation doctor of philosophy (PhD)

Жумабоева Зебо Зиёдуллаевна

Li_{4,36}ZSM-5 ва Na_{4,36}ZSM-5 цеолитларида аммиак, углерод (IV) оксиди ва н-гептан адсорбция иссиқлиги ва изотермаси..... 3

Жумабоева Зебо Зиёдуллаевна

Изотермы и теплоты адсорбции аммиака, диоксид углерода и н-гептана в цеолитах Li_{4,36}ZSM-5 и Na_{4,36}ZSM-5..... 21

Jumaboyeva Zebo Ziyodullayevna

Isotherms and heats of vapor adsorption of ammonia, carbon dioxide and n-heptane in zeolites Li_{4,36}ZSM-5 and Na_{4,36}ZSM-5..... 39

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 43

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 02/30.12. 2019.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

ЖУМАБОЕВА ЗЕБО ЗИЁДУЛЛАЕВНА

**Li_{4,36}ZSM-5 ВА Na_{4,36}ZSM-5 ЦЕОЛИТЛАРИДА АММИАК, УГЛЕРОД
(IV) ОКСИДИ ВА Н-ГЕПТАН АДСОРБЦИЯ ИССИҚЛИГИ ВА
ИЗОТЕРМАСИ**

02.00.11. – Коллоид ва мембрана кимёси

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/К372 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси www.ionx.uz va «ZiyoNet» ахборот таълим тармоғига (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Якубов Йўлдош Юсупбоевич

Кимё фанлари доктори, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Ахмедов Улуғ Каримович

Кимё фанлари доктори, профессор

Бахронов Хаёт Нуорович

Кимё фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Наманган муҳандислик-технология институти

Диссертация ҳимояси Умумий ва ноорганик кимё институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 02/30.12.2019.К/Т.35.01 рақамли Илмий кенгашининг 2022 йил « 6 » январ соат 14⁰⁰ да ўтадиган мажлисида бўлади (Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси 77-а Тел.: (+99871) 262-56-60, факс: (+99871) 262-76-90, e-mail: ionxanguz@nuu.uz).

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (23 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а Тел.: (+99871) 262-56-60, факс: (+99871) 262-76-90.

Диссертация автореферати 2021 йил « 24 » декабр куни тарқатилди.
(2021 йил 24 декабрдаги № 23 рақамли реестр баённомаси)



Б.С.Закиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.ф.д. проф.

Д.С.Салиханова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.д., проф.

И.Д.Эшметов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, т.ф.д., проф.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда экологик вазиятни ёмонлашуви турли хил ишлаб чиқариш корхоналарнинг кўпайиши ва уларнинг ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши билан изоҳланмоқда. Бунда асосий омиллардан ишлаб чиқариш корхоналари чиқиндилари, атмосферага чиқаётган заҳарли газлар ва оқава сувларни мисол қилиш мумкин. Олимлар олдида эса уларни утилизация қилиш ҳамда регенерация қилиш каби долзарб масалалар турибти. Шундай муаммоларни ечимларидан бири бу адсорбцион тозалаш усуллари дир. Бунда асосан турли хил табиий ва синтетик адсорбентлардан кенг фойдаланилади. Адсорбентларни қўллаш жараёнида уларнинг асосан физик-кимёвий ва энергетик хусусиятлари жуда муҳим ҳисобланади. Дисперс системаларнинг фаол марказларининг миқдори, кучи ва табиатини ўрганиш коллоид кимёнинг вазифаларидан бири бўлиб, адсорбция ва катализнинг кўплаб назарий масалаларини ечишда катта аҳамиятга эга.

Дунёда бугунги кунга келиб табиий газ, нефт ва нефт маҳсулотларини кўшимчалардан тозалашда, ҳамда қуриштишда ишлатиладиган цеолитлар бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, цеолит синтези учун мос келувчи хомашёни танлаш; олинган цеолитларни физик-кимёвий, энергетик хусусиятларини назарий ва амалий жиҳатларини ўрганиш; адсорбцион микрокалориметр қурилмаси орқали олинган адсорбентларнинг сорбцион жараёнларини тўлиқ энергия механизмини аниқлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Юқори кремнейли синтетик цеолитлар бугунги кунга келиб, нефт ва газни қайта ишлаш саноатида турли жараёнлар учун юқори самарали катализатор ҳамда адсорбентлар сифатида қўлланилиб келинмоқда.

Республикамызда маҳаллий ресурслардан фойдаланиб, кимё саноатини ривожлантиришда табиий газ, нефт маҳсулотларини экология ва атроф-муҳит учун ҳафвли бўлган кўшимчалардан тозалашда ҳамда қуриштишда ишлатиладиган цеолитларни олиш бўйича илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида «...саноатни юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори кўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш»¹ га қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан табиий газ, нефт ва нефт маҳсулотларини кўшимчалардан тозалашда ва қуриштишда қўлланиладиган юқори самарали цеолитларни синтез қилиш, шунингдек арзон ҳамда фаол моддалар асосида сифатли адсорбентларни яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 21 августдаги ПҚ-4805 «Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 7

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4947 «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги қарори

февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармонлари ва 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сон «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибadorлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёда цеолитлар бўйича олиб борилаётган аксарият тадқиқот ишлари асосан, цеолит структураси ва уларнинг фаол марказларидаги катионларнинг жойлашиш ҳолати кўпроқ ёритилган. Бироқ цеолитда борадиган адсорбция жараёнлари механизми, тўлиқ термодинамик хусусиятлари чуқур ўрганилмаган.

Хорижий олимлардан М.М.Дубинин (1960-1980 й.) биринчилардан бўлиб, калориметр усулда синтетик цеолитларнинг изотермаларини аниқлаган. J.C.Moise, J.P.Bellat, J.A.Dynne, M.Rao, A.Methivierлар адсорбцион калориметр усулида адсорбция иссиқлиги ва изотермасини тадқиқ этишган, V.Rac, V.Rakic, S.Gajinovлар алканларнинг ZSM-5 цеолитлари билан хона ҳароратида адсорбциясини ўрганганлар. Xomeritakis, G.Tsapatsisлар калориметр усулларида HZSM-5 цеолитида ксилоллар адсорбциясини ўрганганлар. Bas Delphine, Goursot Annick, Weber Jacques, Wesolowski Tomaszлар ZSM-5 цеолитида CO₂ адсорбцияланиш механизмини аниқлаган. Польшалик олим Wacław Makowski юқори кремнийли ZSM-5 цеолитида н-гептан, ҳамда унинг гомологлари адсорбциясини хроматографик усул орқали ўрганган.

Мамлакатимизда бу борада етук олимлардан К.С.Ахмедов бошчилигида илмий мактаб яратилган бўлиб, унинг вакиллари Э.А.Арипов, А.А.Агзамходжаев, С.С.Хамраев, С.З.Мўминов, С.А.Абдурахимов, С.Н.Аминов, У.К.Ахмедов, Х.И.Акбаров, Г.Р.Нарметова, И.Д.Эшметов, Д.С.Салиханова, Ш.А.Қўлдашева ва бошқалар турли хил кўмир, синтетик, ҳамда табиий минерал сорбентлар намуналарида ҳар хил молекулаларнинг адсорбцияси изотермалари ва энергетикаларини ўрганганлар. Г.У.Рахматқариев раҳбарлигида илмий мактаб яратилган бўлиб, унинг вакиллари Х.Р.Жалолов, Т.Рахматуллаева, Х.Н.Бахронов, В.Қ.Чориев, С.Д.Курбонов, О.К.Эргашев, Ф.Г.Рахматқариева, Д.Ж.Жумаева, Э.Б.Абдурахмонов, Й.Ю.Якубов, Ғ.А.Долиев, Т.Д.Абдулхаев, М.Х.Коххаров ҳамда бошқалар томонидан табиий адсорбентлар ва турли русумлардаги синтетик цеолитларда калориметрик усул билан ютилишнинг дифференциал иссиқлиги, изотермаси, термокинетикаси ва энтропиясини ўрганишган. Адабиётлардаги маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, натрий ҳамда литий катионли ZSM-5 типидagi цеолитларда квадрупол, нормал занжирли алканлар,

кутбли ва кутбсиз тузилишли молекулаларнинг адсорбция жараёнлари механизми, термодинамик хусусиятлари чуқур ўрганилмаган ва улар ҳақида маълумотлар деярли учрамайди.

Диссертация тадқиқотининг бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Умумий ва ноорганик кимё институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ФА-Ф-7-010 рақамли “Наноструктурали фожазит типигади цеолитлар панжараси юзасида ион-молекуляр кластерларни энергетикаси, тузилиши ва жойлашиши” (2017-2020 й.й.), ҳамда ФА-Ф7-012 рақамли “Полифункционал таъсирли қатор металлларнинг янги аралаш лигандли координацион бирикмаларининг синтези, тузилишларининг ўзига хослиги, реакция қобилиятлари ва биологик хоссаларининг илмий асослари” (2017-2020 й.й.) мавзусидаги фундаментал лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади $\text{Li}^{+}_{4,36}$ ZSM-5 ва $\text{Na}^{+}_{4,36}$ ZSM-5 цеолитларида газ ва буғлар адсорбциянинг изотермаси, асосий термодинамик хусусиятлари ва механизмини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

адсорбцион – калориметрик усул ёрдамида $\text{Na}_{4,36}$ ZSM-5 ва $\text{Li}_{4,36}$ ZSM-5 цеолитларида аммиак, CO_2 ва н-гептан адсорбциясининг асосий термодинамик хусусиятларини ўрганиш;

аммиак, CO_2 ва н-гептанлардан молекуляр зонд сифатида фойдаланган ҳолда $\text{Na}_{4,36}$ ZSM-5 ва $\text{Li}_{4,36}$ ZSM-5 цеолитларининг кристалл кимёсини ўрганиш;

юқоридаги молекулаларнинг адсорбция механизмини, ҳосил бўлган ион/молекуляр комплексларининг конформациясини ва адсорбция термокинетикасини тадқиқ этиш;

адсорбция изотермаларини тадқиқ қилиш, шунингдек уларни микроғовакларнинг ҳажмий тўйиниш назарияси (МХТН) тенгламалари орқали тавсифлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида адсорбент $\text{Na}_{4,36}$ ZSM-5 ва $\text{Li}_{4,36}$ ZSM-5 цеолитлари танлаб олинган. Цеолитларнинг элементар ячейкаси таркиби $\text{NaZSM-5} - \text{Na}_{4,36}\text{Al}_{4,36}\text{Si}_{91,64}\text{O}_{192}$; $\text{Li}_{4,36}\text{ZSM-5} - \text{H}_{1,46}\text{Li}_{2,9}\text{Al}_{4,36}\text{Si}_{91,64}\text{O}_{192}$ ва адсорбатлардан аммиак, CO_2 ва н-гептанлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети физик-кимёвий хоссалар, адсорбция, хемосорбция, системаларнинг матричасидаги ион–молекуляр комплексларнинг ҳолати, локализация, дифференциал иссиқлик, изотерма, энтропия ва термокинетикасини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Кимёвий, физик кимёвий, калориметрик таҳлил ва дифференциал термокинетик таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

$\text{Na}_{4,36}$ ZSM-5 ва $\text{Li}_{4,36}$ ZSM-5 цеолитларида аммиак, CO_2 ва н-гептан адсорбцияланишининг асосий термодинамик тавсифлари (ΔH , ΔG ва ΔS) олинган;

Na_{4,36}ZSM-5 ва Li_{4,36}ZSM-5 цеолитларининг барча тўйиниш соҳаларида аммиак, CO₂ ва н-гептан адсорбцияланишининг молекуляр механизми аниқланган;

Li_{4,36}ZSM-5 цеолитида аммиак аввал H⁺ протонларига, кейин Li⁺ катионлари билан монокомплекс ҳосил қилиб адсорбцияланиши, бунда протон ва катионларга 6 молекула аммиак адсорбцияланиши, цеолит каналларида аммиакнинг ҳаракатчанлиги тормозланган ҳолатда бўлиши исботланган;

Li_{4,36}ZSM-5 цеолитларида H⁺ катионига 5 та CO₂ молекуласи кетма-кет адсорбцияланиб, 5CO₂/H⁺ комплексини ҳосил қилади, литий катионларининг ўлчами кичик бўлганлиги учун ён каналчаларда жойлашади, шунинг учун ҳам улар карбонат ангидрид билан тўлиқ боғланмаган ҳолатда бўлади, Na_{4,36}ZSM-5 цеолитида эса адсорбция 2 та энергетик марказларида фаркланиб, димер ва тример комплекслар ҳосил бўлиши билан бориши исботланган;

Li_{4,36}ZSM-5 цеолитида н-гептан адсорбцияси тажриба натижасида аниқланган сорбцион ҳажм (0,21 см³/г) назарий ҳисобланган ҳажмига нисбатан 10% га юқори бўлиб, бу эса цеолитда оз миқдорда мезоғоваклар борлигини кўрсатади. Li_{4,36}ZSM-5 н-гептан адсорбцияси учун умумий адсорбция энергиясига нисбатан индукция ҳиссаси 16 кЖ/мол га, Na_{4,36}ZSM-5 цеолити учун эса 15,5 кЖ/мол га тенглиги исботланган;

цеолитларнинг заряд зичлиги адсорбция механизмига, адсорбция иссиқлигига ва адсорбцияланган молекулалар миқдорига сезиларли таъсир қилиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

ZSM-5 цеолитида н-гептан, аммиак ва CO₂ молекулалар адсорбциясининг термодинамик ва иссиқлик эффекти жараёнлари бир қанча назарий ҳамда амалий тадқиқотлар натижалари асосида маҳаллий хом-ашёлардан фойдаланган ҳолда янги авлод цеолитларини синтез қилиш имконияти яратилган.

“Шўртан газ кимё мажмуаси” МЧЖ да табиий газ таркибидаги экология учун ҳафвли бўлган қўшимчалардан, яъни карбонат ангидрид, аммиак ва водород сульфиддан тозалаш, шунингдек табиий газ таркибидаги зарарли азот бирикмалари ва олтингугуртли моддаларни адсорбция қилиб ажратиб олиш имкониятлари яратилган;

“Шўртан газ кимё мажмуаси” МЧЖ да табиий газ таркибидаги сувдан тозалашда, шунингдек турли хил буғлардан цеолит колоннасида табиий газни қуриштишда қўшимча моддаларни самарали тозалаш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Фойдаланилган кимёвий (элемент, гравиметрик) ва физик-кимёвий (дифференциал термокинетик таҳлил, калориметрик) таҳлил натижалари, тажриба-лаборатория қурилмаларида синовдан ўтганлиги билан тасдиқланади. Олинган маълумотларни қайта ишлаш Стюдент критерияси ёрдамида ўртача қийматнинг ишончлилиги интервали орқали қийматларни ҳисоблаган ҳолда статик таҳлил қилинди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган адсорбцион-калориметрик тадқиқот натижалари физик адсорбциянинг назарий ривожланишида ҳамда, сорбцион қурилмалар яратишда жараёнларни амалий ҳисоблашларида қўлланилади ҳамда олинган маълумотлар маҳаллий минерал хом ашёдан молекуляр ғалвирларни синтез қилишда илмий асос бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти адсорбцияланишнинг бошланғичдан то тўйиниш буғ босимигача бўлган тўлиқ механизми ва молекулаларнинг фаол марказлар билан намоён қилган ион-молекуляр комплексларининг ўрганилиши янги сорбентларни синтез қилиш ва уларни қўлланиши учун муайян мақсадда хизмат қилади, бундан ташқари ОТМларнинг магистр талабаларига физик ва коллоид кимё фанидан ўтиладиган махсус курсларида қўллашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Юқори вакуумли адсорбцион калориметрик қурилма ёрдамида юқори аниқликдаги адсорбциянинг тўлиқ термодинамик тавсифлари (ΔH , ΔG ва ΔS) бўйича олинган илмий натижалари асосида:

MFI (ZSM-5) цеолитларида адсорбцион-калориметр усул ёрдамида олинган адсорбциянинг дифференциал иссиқлиги, изотермаси, энтропияси ва термокинетикалари асосидаги натижалар ФА-Ф7-012 рақамли “Полифункционал таъсирли қатор металлларнинг янги аралаш лигандли координацион бирикмаларининг синтези, тузилишларининг ўзига хослиги, реакция қобилиятлари ва биологик хоссаларининг илмий асослари” мавзусидаги фундаментал лойиҳада тузилиши ҳар хил бўлган координацион бирикмаларда сорбцияланиш хоссасининг механизмларини аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2021 йил 16 февралдаги № 4/1255-468-сонли маълумотномаси). Натижада, сорбентлик хусусиятига эга бўлган координацион бирикмаларнинг таркибидаги функционал гуруҳлари, боғлар табиати ҳамда энергиялари аниқланиб, адсорбцион хоссалари шунингдек термодинамик хусусиятларини аниқлаш имконини берган;

ZSM-5 русумидаги цеолитлар аналоглари “Шўртангаз кимё мажмуаси” МЧЖ да табиий газни таркибидаги атроф-муҳит учун хафвли бўлган қўшимчалар карбонат ангидрид, олтингугуртли бирикмалар ҳамда аммиак каби зарарли моддалардан тозалаш ишланмалари “Ўзбекнефтгаз” АЖни 2022-2025 йиллардаги амалиётга жорий этиладиган истиқболли режаларига киритилган. («Ўзбекнефтгаз» АЖнинг 2021 йил 13 декабрдаги 03-17-5/195-сон маълумотномаси). Натижада тадқиқ қилинган цеолитларда табиий газ таркибидаги қўшимчалар карбонат ангидрид ва олтингугуртли бирикмалардан тозалаш даражасини 3-9 баробарга ошириш имконини, шунингдек табиий газ таркибидаги зарарли аммиакдан тозаланиш даражасини 81 % ошириш имконини берган;

ZSM-5 типидagi цеолитлар аналоглари ёрдамида “Шўртангаз кимё мажмуаси” МЧЖ бошқармасида цеолит колонналарида сув буғларидан қуриштириш усуллари “Ўзбекнефтгаз” АЖни 2022-2025 йиллардаги истиқболли

режаларига киритилган. (“Ўзбекнефтгаз” АЖнинг 2021 йил 13 декабрдаги 03-17-5/195-сон маълумотномаси). Натижада табиий газни сув буғларидан ажратиб олишни руҳсат этилган кўрсаткич қийматларидан камайтириш, яъни 1,1 ppm га тушириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан, 2 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш нашр этилган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг илмий ишлар учун натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 1 таси хорижий журналларда ва 8 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 97 бетни ташкил этди.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурийлиги келтирилган, мақсад ва вазифалар, шунингдек, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг усуллари, объекти ва предмети ифодаланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантириш йўналишига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш рўйхати келтирилган, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг ҳажми, тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“ZSM-5 цеолитларини тадқиқ этишнинг мақсад ва вазифалари (адабиётлар шарҳи)”** деб номланган биринчи бобида, ZSM-5 цеолитларини батафсил тузилиши яъни уларни каркаси ва фаол марказларидаги атомлар сони ва жойлашишларини дунё олимлари томонидан турли хил усуллар билан ҳам аниқланган.

Бундан ташқари бу бобда ZSM-5 цеолитларини ўзига хос хусусиятлари, яъни гидрофоб табиати ҳақида қаттиқ агрегат ҳолатга эга бўлган ZSM-5 цеолитлари билан турли хил тузилишга эга бўлган буғ ва газлар чегарасида амалга ошувчи жараёнлар, асосан, юзалар кимёси ва қаттиқ фазаларнинг ғовақдор структураси ва фаол марказлар билан адсорбцияси ифодаланган. Кимё технологияси учун адсорбентларни олишда табиий адсорбентлар ва улар асосида физикавий ва кимёвий модификация йўли билан олинган адсорбентлар ўртасида борадиган тадқиқотлар амалга оширилиш ишларини солиштириб шарҳланган.

Калориметрик ва бошқа усулларда турли хил сорбентларни адсорбцион термодинамик хусусияларини аниқлаш ва фаол марказларида кечадиган

ютилиш соҳалари таҳлили тўғрисидаги олиб борилган хорижий ва республикамиз олимларининг изланишлари ҳам шу бобдан ўрин эгаллаган.

Диссертациянинг “**Юқори вакуумли адсорбцион – калориметрик курилманинг тавсифи**” деб номланган иккинчи бобида, калориметрик усул ҳақида, шунингдек, юқори вакуумли адсорбцион микрокалориметрик курилманинг таҳлил хусусиятлари ва абзаллиги хусусиятлари шунингдек олинган тажриба натижаларини формулалар орқали ҳисоблашлар ҳақида батафсил ёритилган. Бундан ташқари тадқиқот объектлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Li_{4,36}ZSM-5 цеолитида аммиак, карбонат ангидрид ва н-гептанларнинг адсорбцияси**” деб номланган учинчи бобларида, адсорбцияни асосий термодинамик таҳлили баён этилган.

Li_{4,36}ZSM-5 цеолитда аммиакнинг адсорбцияланиши. LiZSM-5 цеолитида аммиак адсорбциясининг дифференциал иссиқлигининг (Q_d) эгри чизиғи поғонали кўринишга эга (1а.расм). Адсорбция дифференциал иссиқлиги 110 кЖ/моль дан 25,84 кЖ/моль гача поғонали равишда ўзгариб боради. Ҳар бир поғона протон ва Li катионлари аммиак молекулалари билан ўзаро таъсирини ифодалайди. Кўрилаётган цеолит таркиби текширилганда H^+ протонлар концентрацияси 0,23 ммоль/г га, Li катионлари эса 0,47 ммоль/г га тенг эканлиги аниқланди. Жами бўлиб 4,42 ммоль/г модда адсорбцияланган. Ҳар бир ионга ўртача 6 аммиак (NH_3) молекуласи тўғри келади. Демак, биринчи юқориэнергетик поғона 110 кЖ/моль дан 86,7 кЖ/моль гача оралиғида 0,69 ммоль/г модда адсорбиланиб, H^+ протонлар ва Li катионлари 1:1 нисбатда бўлишини кўрсатади. Иккинчи поғона 86,7 кЖ/моль дан 59,9 кЖ/моль гача бўлиб, жами 0,47 ммоль/г модда фақат Li катионларига адсорбцияланиши кўриниб турибди. Таҳлил натижаларига кўра, тўйиниш пайтида H^+ протонлар ва Li катионларига 6 аммиак молекуласи адсорбцияланади.

LiZSM-5 цеолитида аммиак адсорбцияси учун (3.6) тенгламада қуйидаги катталиклар, биринчи аъзо учун $a_{01} = 2,06$ ммоль/г, $E_{01} = 30,73$ кЖ/моль ва $n_1 = 6$; иккинчи аъзо учун $a_{02} = 0,713$ ммоль/г, $E_{02} = 20,58$ кЖ/моль ва $n_2 = 6$; учинчи аъзо учун $a_{03} = 2,08$ ммоль/г, $E_{03} = 11,1$ кЖ/моль ва $n_3 = 3$.

1б-расмдан кўриниб турибдики, LiZSM-5 цеолитида аммиак адсорбцияси изотермаси графиги эксперимент натижалари билан мос келади. Адсорбция изотермаси нисбий $P/P^0 = 0,04$ (ёки 343,7 мм.сим.уст) босимда 4,24 ммоль/г гача етади.

Поғонали характердаги иссиқлик ва энтропия полиэкстремал шаклга эга бўлиб, бунда ҳар бир поғона ўзига хос қисман адсорбциянинг энтропиясига тўғри келади (1в-расм).


Аммиак адсорбциясининг энтропияси (S_d) Гиббс-Гельмгольц тенгламаси орқали адсорбция изотермаси ва дифференциал иссиқлигидан келиб чиқиб ҳисобланди.

$$\Delta S_d = \frac{\Delta H - \Delta G}{T} = \frac{-(Q_d - \lambda) + A}{T}$$

Бу ерда λ – иссиқлик конденсацияси, ΔH va ΔG адсорбция жараёнидаги энтальпия ва эркин энергиянинг стандарт ҳолатдан адсорбцияланган ҳолатга ўзгариши.

Адсорбция энтропияси эгри чизиги суяқ аммиак энтропияси даражасидан пастда жойлашган бўлиб, тўйиниб бориши билан тўлқинсимон равишда ўсиб боради. Дастлабки соҳада энтропия ~ -160 Ж/моль*К қийматга эришганда, кичик тўйинишда аммиак молекулалари кучли жойлашганлигини кўрсатади. Бу эса қаттиқ ҳолат энтропиясига яқин. Адсорбциянинг ўртача интеграл энтропияси $-39,16$ Ж/моль*К га тенг, суяқ ҳолат энтропиясидан сезиларли даражада пастда бўлиб, цеолит каналларида аммиак молекулалари ҳаракатчанлиги кучли тормозланганлигини билдиради.

Адсорбцион мувозанатни $a \sim 1,75$ ммоль/г гача ўрнатиш вақти нисбатан жуда секинлашади ва 15 соатга етади. Кейин эса тўйиниш даражаси ортиши билан жараён тезлашади ва мувозанат бунданда жуда тез – бир соатдан камроқ



1–расм. 303К ҳароратда $Li_{4,36}ZSM-5$ цеолитида аммиак (1), углерод (IV) оксиди (2) ва н-гептан (3) адсорбциясининг дифференциал иссиқлиги (А), изотермаси (Б) ва энтропияси (В).

вақт ичида ўрнатилади. Жараённинг тезлашиши босимнинг сезиларли ортиши ва катион-адсорбат боғнинг кучсизланиши билан боғлиқдир.

$Li_{4,36}ZSM-5$ цеолитида CO_2 нинг адсорбцияланиши 303К ҳароратдаги дифференциал иссиқлиги (Q_d) 1а-расмда кўрсатилган. $Li_{4,36}ZSM-5$ цеолитида CO_2 адсорбциясининг дифференциал иссиқлиги поғонали эгри чизигига кўра адсорбция миқдори 0,25 ммоль/г га тенг бўлган бешта бир хил секцияга бўлиш мумкин. Биринчи секцияда ~ 60 кЖ/мол даражасида, $a = 0,25$ ммоль/г гача

давом этади, иккинчи секцияда ~ 46 кЖ/мол даражасида $a = 0,52$ ммол/г гача, учинчисида – $0,52$ ммол/г дан $0,77$ ммол/г гача ~ 36 кЖ/мол ўртача адсорбция иссиқлиги билан, тўртинчисида $0,77$ ммол/г дан $1,04$ ммол/г гача $\sim 30,4$ кЖ/мол иссиқлик билан ва бешинчисида $27,8-27,1$ кЖ/мол оралиғида конденсация иссиқлигига яқин иссиқликда адсорбция миқдори $1,83$ ммол/г гача боради. Кимёвий таҳлил натижаларига кўра, цеолит $1,5 \text{ H}^+$ ва $2,9 \text{ Li}^+$ дан ташкил топган. Секциялар давомийлиги H^+ протонлар сони билан яхши корреляцияланган. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, 5CO_2 молекулалари H^+ протонларга кетма кет адсорбцияланади. $5\text{CO}_2/\text{H}^+$ комплексининг ҳосил бўлиш вақтида адсорбцион мувозанатнинг ўрнатилиш вақти жуда секин кечади. Қолган CO_2 молекулалари конденсацияланиш иссиқлигига яқин иссиқликда Li катионлари билан таъсирлашади. Li^+ катионлари ўлчами жуда кичик бўлганлиги сабабли ён каналчаларда жойлашади ва шунинг учун CO_2 молекулалари билан тўлақонли боғ ҳосил қила олмайди.

$\text{Li}_{4,36}\text{ZSM-5}$ цеолитида CO_2 адсорбцияси изотермаси ярим логарифмик координаталарда келтирилган (1-расм). Кичик тўйинишларда мувозанат босимлари $P/P^\circ = 3,7 \cdot 10^{-6}$ га етади. $\text{Li}_{4,36}\text{ZSM-5}$ цеолитида CO_2 адсорбцияси изотермаси адсорбцион таъсирлашуви $P = 340$ мм.сим.уст. ($P/P^\circ = 0,006$) гача бўлган босимда акс этади.

$\text{Li}_{4,36}\text{ZSM-5}$ цеолитида CO_2 адсорбцияси изотермаси МХТН нинг икки ҳадли тенгламаси билан тўлиқ тавсифланади:

$$a = 2,165 \exp[-(A/19,13)^2] + 1,153 \exp[-(A/13,97)^5]$$

бу ерда a – адсорбция миқдори, ммол/г. да, $A = RT \ln P^\circ/P$ – адсорбциянинг кЖ/мол лардаги иши. 1-расмдан кўриниб турибдики, назарий ҳисоблаш натижалари билан эксперимент натижалари мос келади.

1в-расмда $\text{Li}_{4,36}\text{ZSM-5}$ цеолитида CO_2 адсорбциясининг моляр дифференциал энтропияси кўрсатилган бўлиб, бу суюқ углерод IV оксиди деярли 635 мкмол/г энтропиясидан сезиларли даражада пастда. Бу эса биринчи CO_2 молекулаларининг протонлар билан ўзаро кучли таъсирлашуви билан боғлиқдир. Бошланғич қисмда энтропия -42 Ж/моль*К га етади. Агарда CO_2 нинг қаттиқ ҳолат энтропиясини $-82,9$ Ж/моль*К эканлигини ҳисобга олсак, унинг адсорбция пайтидаги протонлар силжиши суюқ ва қаттиқ углерод IV оксиди ўртасида оралик жойлашувига тўғри келади.

CO_2/H^+ - $5:1$ нисбатдаги молекула/катион комплексининг тўла шаклланишигача бўлган адсорбцион мувозанат вақти ортиб боради, кейин $\sim 1,08$ соатдан 30 минутгача кескин тушиб кетади. Бу углерод IV оксидининг H^+ катионлари билан стехиометрик таъсирлашиб $5\text{CO}_2/\text{H}^+$ комплексини ҳосил қилиш билан изоҳланади. Сўнг эса адсорбция жараёни барқарорлашади ва мувозанат 30 минутда ўрнатади.

LiZSM-5 цеолитида н-гептан адсорбцияланиши. Адсорбция дифференциал иссиқлиги кичик тўйинишда ($0,25$ ммоль/г. гача) чизикли равишда 105 кЖ/моль гача камаяди (1а-расм). Кичик тўйинишларда иссиқликнинг ошиб кетишининг сабаби н-гептаннинг протонлар билан ўзаро таъсирлашувида индукцион эффектнинг пайдо бўлиши ҳисобигадир. Индукцион ташкил этувчининг умумий энергиядаги улуши 16 кЖ/мол га тенг.

Дастлаб юқори тўйинишда (0,25 ммол/г дан кўп) адсорбция миқдори 0,55 ммол/г да иссиқлик сезилмас даражада 96,6 кЖ/мол гача ортади, кейин эса адсорбция миқдори 0,81 ммол/г бўлганда иссиқлик 95,4 кЖ/мол гача камайиши кузатилади. Кейинчалик LiZSM-5 цеолитида н-гептан адсорбциясининг дифференциал иссиқлиги эгри чизиғи адсорбция миқдори 1,15 ммол/г да 91,3 кЖ/мол гача камаяди. Сўнгра адсорбция иссиқлиги 91 кЖ/мол га етганда эгри чизиқ бир текисда кетади ва адсорбция миқдори 1,4 ммол/г га етганда кескин камайиб конденсация иссиқлигига гача тушади.

LiZSM-5 цеолитида н-гептан адсорбцияси изотермаси 303 К да ўрганилган. Кичик тўйинишлардаги мувозанат босими нисбий $P/P^0=5 \cdot 10^{-5}$ босимга етади, бу н-гептан молекулаларининг цеолит каналларида жойлашганлигини билдиради. Адсорбция изотермаси нисбий босим $P/P^0=0,58$ (ёки 44,46 мм.см.уст.гача 1б-расм) да адсорбция миқдори 1,48 ммол/г гача етади. Адсорбция изотермаси адсорбциянинг дифференциал иссиқлигига тўлиқ мос келади.

Шунингдек, адсорбция изотермасида турли хил қияликдаги бешта эгри чизиқ кузатилади. Изотерма эгри чизиқларининг ва адсорбция дифференциал иссиқлигининг мураккаб табиати адсорбат билан адсорбент, шунингдек, адсорбат билан адсорбат орасидаги адсорбцион ўзаро таъсирнинг нозик тафсилотларини акс эттиради. Агар цеолитдаги н-гептан зичлигини тажрибада 303К температурада суюқ ҳолатдаги зичлигига тенг деб олсак, ҳамда тўйинишда н-гептан молекулалари эгаллаган хажмни ҳисобласак, LiZSM-5 цеолитида н-гептан сорбцион хажмининг 0,21 см³/г ни эгаллайди.

Li_{4,36}ZSM-5 цеолитида н-гептан адсорбцияси изотермаси МХТН нинг уч ҳадли тенгламаси билан ифодаланади.

$$a = 0,851 \cdot e^{-\left(\frac{A}{26,97}\right)^{12}} + 0,464 \cdot e^{-\left(\frac{A}{15,82}\right)^5} + 0,464 \cdot e^{-\left(\frac{A}{5,73}\right)^2}$$

Бу ерда a - адсорбция ммол/г ларда, $A = R \cdot T \cdot \ln(P^0/P) - 1$ моль газни сирт юзадан (босим P^0) мувозанат газ фазасига (босим P) ўтказиш иши.

1б-расмда Li_{4,36}ZSM-5 цеолитида н-гептан адсорбцияси дифференциал энтропиясининг ўзгариши адсорбция қийматида боғлиқлиги кўрсатилган. Н-гептан суюқ ҳолатдаги энтропияси нолга тенг деб олинган. Li_{4,36}ZSM-5 цеолитида н-гептан энтропияси ΔS_d эгри чизиғи бутун манфий соҳада жойлашган бўлиб, бу адсорбцияланган молекулаларнинг цеолит каналларида зич жойлашганлигини билдиради.

Адсорбция энтропияси ΔS_d адсорбция миқдори 1,3 ммол/г га етганда -152 Ж/К*мол гача камаяди, бу тўйинишда н-гептан молекулалари ҳаракатчанлиги тормозланган ҳолатда эканлигидан далолат беради. Адсорбциянинг ўртача интеграл энтропияси -123 Ж/К*мол га тенг бўлиб, суюқ ҳолат энтропиясидан анча пастда ва қаттиқ ҳолат энтропиясига жуда яқин. Бу эса цеолит каналларидаги углеводород молекулалари қаттиқ ҳолатда эканлиги билдиради.

Li_{4,36}ZSM-5 цеолитида н-гептан адсорбцион мувозанатининг ўрнатилиш вақти ҳам иссиқликларга мос равишда тўйиниш билан тўлқинсимон тарзда ўзгариб боради, бу адсорбция вақтини ўзига хослигини акс эттиради. Жараён

охирида деярли тўлган цеолит каналлари кесишиш жойларида н-гептан йирик молекулалари харакатининг силжиши қийинлик билан боради.

Диссертациянинг “**Na_{4,36}ZSM-5** цеолитида аммиак, карбонат ангидрид ва н-гептанларнинг адсорбцияси” деб номланган тўртинчи бобларида, адсорбцияни асосий термодинамик таҳлили баён этилган.

Na_{4,36}ZSM-5 цеолитида аммиакнинг адсорбцияланиши. Na_{4,36}ZSM-5 цеолитидаги аммиак адсорбцияси дифференциал иссиқлиги 2а-расмда кўрсатилган. Адсорбциянинг бошланғич дифференциал иссиқлиги 0,37 ммол/г адсорбция пайтида 110 кЖ/мол дан 85 ммол/г гача чизиқли камаяди, сўнгра $a = 0.75$ ммол/г гача, тўйинишда аммиак 84 кЖ/мол да кам ўзгарувчан иссиқлик билан адсорбцияланади.

Адсорбциянинг 0,75 дан 1,67 ммол/г гача бориши бу иссиқликнинг 50 кЖ/мол гача кескин тушиши билан боради. Ушбу соҳада 0,75 - 1,1 ммол/г адсорбция оралиғида иссиқликнинг ~84 дан 63 кЖ/мол гача ва 1,1 – 1,67 ммол/г адсорбция оралиғида иссиқликнинг 63 дан 50 кЖ/мол гача ўзгаришига қараб иккита қисмга ажратиш мумкин. Кейин эса иссиқликнинг поғонали равишда камайиши давом этади ва графикда биз яна 2 та эгри поғонани: ~50 кЖ/мол (1,67 дан 2,25 ммол/г гача) ва ~40 кЖ/мол (2,25 дан 3 ммол/г гача) кўришимиз мумкин.

Дастлабки учта поғона аммиак адсорбциясида Na⁺ катионларининг турли хил кристаллографик вазиятда жойлашганлигини кўрсатади. Бу катионлар шартли равишда Na⁺I ва Na⁺ II деб номланади. Аммиак Na⁺I да 2:1 нисбатда, Na⁺II эса – 1:1 нисбатларда адсорбцияланади. Кейин бу нисбатлар сақланиб қолади ва тўйиниш пайтида Na⁺I да 6 NH₃, Na⁺II эса - 3 NH₃ адсорбцияланади. Илгари заряд зичлиги -2,9 Na/эя нисбатан кам бўлган NaZSM-5 цеолитидаги аммиак адсорбцияси ўрганилган.

Na_{4,36}ZSM-5 цеолитидаги аммиак адсорбция изотермаси 2б-расмда ярим логарифмик координаталарда тасвирланган. Изотерма нисбий босимда P/P^o= 0.41 (ёки P = 356,72 мм.сим.уст.) $a = 3,4$ ммол/г гача етказилган. Na_{4,36}ZSM-5 цеолитида адсорбция мувозанатини тасвирлаш учун микроғовакли адсорбентларга тегишли маълум ва машхур бўлган адсорбция модели МХТН дан фойдаланилди. Аммиак - Na_{4,36}ZSM-5 тизим параметрлари тенгламаси учун биринчи аъзолик $a_{01} = 1,54$ ммол/г, $E_1 = 29,8$ кЖ/мол ва $n_1 = 8$; иккинчи аъзолик учун $a_{02} = 0,91$ ммол/г, $E_2 = 18,33$ кЖ/мол ва $n_2 = 6$; учинчи аъзолик учун $a_{03} = 1,54$ ммол/г, $E_3 = 9,81$ кЖ/мол ва $n_3 = 3$.

Аммиак адсорбцияси энтропияси (ΔS_d) Гиббс – Гельмгольц тенгламасига кўра адсорбция изотермаси ва дифференциал иссиқлигидан келиб чиқиб ҳисобланди. 2в-расмда аммиак адсорбцияси дифференциал энтропиясининг ўзгариши Na_{4,36}ZSM-5 цеолитида аммиак адсорбцияси миқдорида боғлиқлиги кўрсатилган (суюқ аммиак энтропияси ноль деб қабул қилинган). Адсорбция энтропияси диаграммасидан кўришиб турибдики, бутун энтропия эгри чизиғи суюқ аммиак энтропияси сатҳидан пастда жойлашган ва у тўйинишда тўлқинсимон кўринишда ўсиб боради. Дастлабки соҳада энтропия ~ - 155 Ж/мол*К қийматга эга бўлиб, аммиакнинг кичик тўйинишларда кучли жойлашганини кўрсатади. Адсорбциянинг ўртача

интеграл энтропияси (-54 Ж/мол*К) суюқ аммиак энтропиясидан сезиларли даражада пастда бўлиб, бу аммиакнинг цеолит каналларида кучли тормозланган ҳолатда бўлганлигини кўрсатади.

Адсорбцион мувозанат ўрнатилиш вақтининг кўп сонли максимум ва минимумлари билан тўйинишда полиэкстремал боғлиқлиги цеолит матричасида кечадиган жараёнларнинг мураккаблигини кўрсатади. Хусусан, NH_3/Na^+ комплекслари адсорбция жараёни вақтида мувозанат ҳолатидан силжийди ва уларнинг координацион соҳасини тўйинтириш учун янги позицияга кўчиб ўтади.

$\text{Na}_{4,36}\text{ZSM-5}$ цеолитида углерод (IV) оксиди адсорбцияси. Бунда адсорбциянинг дифференциал иссиқлик (Q_d) эгри чизиғи поғонали кўринишда ўзгариб боради (2б-расм). Эгри чизиқ 58 кЖ/мол дан бошланиб, углерод (IV) оксиди иссиқлиги конденсация (27 кЖ/мол) иссиқлигигача поғонали равишда камаяди. Дастлаб дифференциал иссиқлик (a) 0,2 ммол/г адсорбцияланиш пайтида 58 кЖ/мол дан 49 кЖ/мол гача чизиқли пасаяди. Иккинчи поғона ~ 48,5 кЖ/мол қийматида 0,45 ммол/г гача чўзилади. Кейинги поғонада иссиқлик 47,8 дан 44,2 кЖ/мол гача тушганда адсорбция миқдори 0,78 ммоль/г гача чўзилади. Кейин эса иссиқлик 1,26 ммол/г да 35,6 кЖ/мол гача камаяди. Бундан ташқари CO_2 адсорбцияси $a = 1,51$ ммол/г да иссиқлиги доимий равишда 35,1 кЖ/мол гача камайиши давом этади. Сўнгра иссиқлик $a = 1,69$ ммол/г да 31 кЖ/мол дан конденсация иссиқлиги 27 кЖ/мол гача пасаяди. Конденсация иссиқлигига тенг иссиқлик билан яна 0,25 ммол/г адсорбцияланади. Келтирилган сегментларнинг оралиғи натрий катионлари сонига боғлиқ ва $\text{Na}_{4,36}\text{ZSM-5}$ цеолитининг турли кристаллографик вазиятда жойлашган ва илгари топилган аммиак адсорбцияси билан мос келади. Олинган маълумотларга асосланиб, 3 CO_2 молекуласи NaI катионлари атрофида, 2 CO_2 молекуласи эса – NaII катионлари атрофида координацияланган деган хулосага келиш мумкин.

Аввал углерод (IV) оксидининг чизиқли квадрупол молекуласи $P/P^\circ = 9,4 \cdot 10^{-7}$ гача этади. CO_2 молекулалари адсорбцияланганда паст мувозанат босимида ушбу тўйинишларда молекулаларнинг кучли адсорбциясини кўриш мумкин.

Кизиғи шундаки, биз биринчи юқори энергетик поғона соҳасида яхши корреляцияланган бир хил тўйинишда (0.2 ммол/г) адсорбция изотермаси бурилишини кузатамиз. $P=330,49$ мм. сим. уст. босимда адсорбция изотермаси 1,97 ммол/г гача этади.

Углерод (IV) оксидининг $\text{Na}_{4,36}\text{ZSM-5}$ цеолитидаги адсорбция изотермаси МХТН нинг икки ҳадли тенгламаси билан тўлиқ тавсифланади:

$$a = 1,94 \cdot e^{-\left(\frac{A}{22,01}\right)^3} + 1,02 \cdot e^{-\left(\frac{A}{12,64}\right)^4}$$

Бу ерда a - адсорбция ммоль/г да, $A = R \cdot T \cdot \ln(P^\circ/P) - 1$ ммоль газни (босим P°) юзасидан мувозанатдаги газ фазасига (босим P) ўтказиш иши.

$\text{Na}_{4,36}\text{ZSM-5}$ цеолитида углерод (IV) оксиди адсорбциясининг дифференциал моляр энтропияси (2в-расм) Гиббс – Гельмгольц тенгламасига

кўра адсорбция дифференциал иссиқлиги ва изотермасидан келиб чиқиб ҳисобланди.

